



230100, Nökis qalasi, Dosnazarov köshesi 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

2021-j. «22» Dekabr

№ 03-01/9-5764

«__» _____ 2021 г.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Тараққиёт дастури ва Мослашиш жамғармасининг “Ўзбекистоннинг курғоқчилик туманларида жойлашган фермер ва дехқон хўжалиklarининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш” лойиҳаси амалга оширилиб, мазкур лойиҳа доирасида иқлим ўзгариши масалаларига оид ўқувчиларга мўлжалланган “Иқлим қутичаси” номли ўқув қўлланмаси мослаштирилган ва уни амалиётга жорий этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси пилот ҳудуд сифатида танлаб олинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлигининг 2019 йил 19 март 06/06/3-747-сонли хати асосида “Иқлим қутичаси” номли ўқув қўлланмаси танловининг Республика босқичи Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 20-март 60-сонли буйруғи асосида Нукус шаҳридаги 34-умумтаълим мактабида ўтказилди. Мўйноқ тумани 1-сонли мактаб ўқувчиси Бибихан Салиеванинг (ўқитувчиси Арзуов Нурмухан) лойиҳаси “Энг яхши халқаро амалий жорий этиш лойиҳаси” номинациясида 1-ўринни, Нукус шаҳар 20-сонли мактабнинг ўқувчиси Ботакоз Ермагамбетова (ўқитувчиси Сержанова Оразгул) лойиҳаси “Энг яхши ижтимоий волонтерство” номинциясида 1-ўринни, бундан ташқари, Нукус шаҳар 46-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдисолам Исаковнинг (ўқитувчиси Мухаббат Шлимбетова) лойиҳаси **сиртдан баҳолаш** (заочное) босқичида ғолиб деб топилди.

Мўйноқ тумани 1-сонли мактаб ўқувчиси Бибихан Салиева ва ўқитувчиси Арзуов Нурмухан, Нукус шаҳар 20-сонли мактабнинг ўқувчиси Ботакоз Ермагамбетова ва ўқитувчиси Сержанова Оразгул, Нукус шаҳар 46-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдисолам Исаков ва ўқитувчиси Мухаббат Шлимбетовалар “Фахрий ёрлик” ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мўйноқ тумани 1-сонли мактаб ўқитувчиси Арзуов Нурмухан “Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочиси” кўкрақ нишонига лойиқ деб топилди. Бундан ташқари, Мўйноқ тумани 1-сонли мактаб ўқувчиси Бибихан Салиева Россия Федерациясидаги “Орлёнок” оромгоҳида 20 кун дам олиб қайтди.

Вазир ўринбосари

Ш.Таджимуратов

Orinlawsh: J.Ismetullaev
Tel: (91)392-77-80

